

## Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 617-ҳадис

617 - وَعَنْهُ قَالَ: إِنْ كَانَتِ الْأَمْمَةُ مِنْ إِمَاءِ الْمَدِينَةِ لَتَأْخُذُ بِيَدِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَتَنْطَلِقُ  
بِهِ حَيْثُ شَاءَتْ. رَوَاهُ البُحَارِيُّ.

617. Яна у кишидан ривоят қилинади:

«Мадинанинг чўриларидан бири Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни қўлларидан тутиб, хоҳлаган жойига олиб кетаверар эди».

*Имом Бухорий ривояти.*

**Шарҳ:** «Қўлларидан тутиб» деган жумла мажозий бўлиб, бевосита ушлаш маъносида эмас. Бу ерда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадина аҳлининг раҳбари бўлишларига қарамай, ўта камтар, бетакаллуф бўлганларидан оддий бир чўри аёл ҳам у зотга bemalol мурожаат қила олиши таърифланмоқда.

---

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

